
Муносабат

Блогер Нигора Алимова томонидан телеграм ижтимоий тармоғи орқали чиқарилган мурожаат юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Ғумойли МФЙда яшовчи фуқаро томонидан Пишқарон МФЙда жойлашган “К-К-4-10” хўжаликлараро коллекторининг қирғоқ бўйига ноқонуний терак дарахтлари экилган.

Шунингдек, М.Усмонов Пишқарон МФЙда жойлашган хўжаликлараро коллекторининг қирғоқ бўйи минтақасидаги ер майдони ободонлаштирилиб, қурилиш қилмасдан мевали дарахт кўчатлари экиш бўйича Сирдарё сўх ирригатсия тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамда Данғара тумани Увайсий МФЙда яшовчи М.Усмонов ўртасида шартнома тузилганлигини билдириб ушбу ҳудуддан ноқонуний экилган терак дарахтларни олдириб ташланиши бўйича *Мелиоратив экспедиция* бўлимига мурожаат қилган. .

Сирдарё сўх ирригатсия тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиоратив экспедиция бўлими Ғумайли МФЙда яшовчи фуқарога ушбу терак дарахтларни ўз хисобидан олиб ташланиши бўйича огохлантириш хати берилган.

2024-03-28 15:06:28